

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11627984>

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи
проректор

фалсафа фанлари доктори, профессор

ogaybullaev1979@gmail.com 91-522-12-88

АННОТАЦИЯ

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги қарашлари ўзига хос фалсафий дунёқараш билан бойиб, фуқаролик жамияти фаолиятини тараққиёт стратегияси билан уйғун боришини назарда тутди. Жамиятдаги ахлоқий қадриятларнинг бошқарувда миллий давлатчилик ислохотлари билан амалга ошаётганлиги фуқаролик жамияти институтлари зояларида халқнинг мақсад ва муддолари билан уйғун ривожланмоқда. Фуқаролар учун яратилганган бугунги шарт-шароитлар нгизида миллий менталитетга монанд фалсафий тафаккур вужудга келди. Фуқаролик жамиятининг ахлоқий қадриятларни ривожлантиришга таъсири ажоддлра мероси билан параллел ҳолда миллий қадрият ва анъаналарга мос кўринишда намоён бўлиб бормоқда. Одамларнинг руҳиятида эртанги кунга ишонч туйғусинг кучайганлиги, маънавий ҳаётдаги янгиланишларда халқ манфаатларининг устунлиги муҳим жараёнга айланди. Воқеликда ижтимоий ҳимояга асосланган фалсафий дунёқараш барқарорлашиб, турли таълим масканларининг роли изчиллик билан йўлга қўйилди. Жамиятда ёш авлод онгида ахлоқий қадриятларга ихлосманликни кучайтириши, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш масаласи фуқаролик жамиятининг бош мезонига айланди. Ҳар бир соҳада ахлоққа мос илмий қарашлар шаклланиб, миллийлик халқнинг орзу-истаклари сифатида қарор топди. Бунинг натижасида ўзбек халқининг асрлар давомида ривожланган анъаналари бойиб, бугунги кундаги мафкурвий қарашларни кучайтирди. Бу эса, одамларнинг реал ҳаёт ҳақидаги қарашларида ахлоқ мустаҳкам қуролга айланиб бораётганлигини кўрсатиши баробарида, фуқаролик жамиятини илгарिलाшига кенг имкониятлар яратиб берди.

Калит сўзлар: инсон, фуқаролик жамияти, ижтимоий ҳаёт, халқ манфаатлари, қадрият, ахлоқий қадриятлар, жамият, мафкура, воқелик.

АННОТАЦИЯ

Взгляды Нового Узбекистана на систему общественных отношений обогащены уникальным философским мировоззрением и предусматривают гармонию деятельности гражданского общества со стратегией развития. Реализация нравственных ценностей в обществе посредством реформ национальной государственности в управлении развивается гармонично с целями и задачами народа в идеях институтов гражданского общества. Философское мышление, подобное национальному менталитету, возникло в нынешних условиях, созданных для граждан. Влияние гражданского общества на развитие нравственных ценностей проявляется параллельно с наследием предков в соответствии с национальными ценностями и традициями. В психике людей возросло чувство доверия к будущему, важным процессом стало превосходство интересов людей в духовной жизни. В действительности философское мировоззрение, основанное на социальной защите, стабилизировалось, а роль различных образовательных учреждений утвердилась последовательно. Вопрос укрепления преданности нравственным ценностям в сознании молодого поколения общества, воспитания совершенного во всех отношениях человека стал главным критерием гражданского общества. Этические научные взгляды сформировались во всех областях, а национализм утвердился как чаяния народа. В результате сложившиеся веками традиции узбекского народа обогатились и укрепили сегодняшние идеологические взгляды. Это создало широкие возможности для развития гражданского общества и показало, что мораль становится сильным оружием во взглядах людей на реальную жизнь.

Ключевые слова: человек, гражданское общество, общественная жизнь, общественные интересы, ценности, моральные ценности, общество, идеология, реальность.

ABSTRACT

New Uzbekistan's views on the system of social relations are enriched with a unique philosophical worldview and envisages that the activities of the civil society go in harmony with the development strategy. The implementation of the moral values in the society with the reforms of national statehood in the administration is developing harmoniously with the goals and goals of the people in the ideas of civil society institutions. Philosophical thinking similar to the national mentality has emerged under the current conditions created for the citizens. The influence of civil society on the development of moral values is being manifested in parallel with the heritage of ancestors in accordance with national values and traditions. In people's psyche, the feeling of trust in the future has increased, and the superiority of people's

interests in spiritual life has become an important process. In reality, the philosophical outlook based on social protection has stabilized, and the role of various educational institutions has been established consistently. The issue of strengthening devotion to moral values in the minds of the young generation in the society, educating a perfect person in all aspects has become the main criterion of civil society. Ethical scientific views were formed in every field, and nationalism was established as the aspirations of the people. As a result, the traditions of the Uzbek people, which have developed over the centuries, have been enriched and strengthened today's ideological views. This has created ample opportunities for the advancement of civil society while showing that morality is becoming a strong weapon in people's views of real life.

Keywords: *human, civil society, social life, public interests, value, moral values, society, ideology, reality.*

КИРИШ

Янги асрда глобаллашувнинг шиддат билан ижтимоий тараққиёт жараёнига таъсир этиб бориши натижасида инсониятнинг маданий мероси, миллий қадриятлари, диний эътиқодлари янгилашиб, ҳар бир давлатда ҳуқуқий нормаларнинг хилма-хил бўлишига олиб келди. Бу жараён янги Ўзбекистонда ҳам халқнинг ахлоқий қадриятлари ривожланишига ўзининг янги кўринишини олиб кирди. Оиладаги фарзанд тарбияси, уни ҳар томонлама етук шахс бўлиб етиштириши таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, турли маънавий таҳдидлардан сақлаш муҳим аҳамият касб этди. Натижада фуқаролик жамияти орқали оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш асосида ахлоқий қадриятларга муносабатни ошириш, хотин-қизларнинг турмуши ва меҳнат қилишларига шароитлар яратиш масаласи ҳам давлат томонидан ҳимояга олинди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ижтимоий фанлар соҳасида одоб-ахлоқ қоидалари ва маънавиятнинг оддий тушунчалари ва содда талабларини бошланғич синфлардан ўргата бошлаш зарурлиги айтилган ҳақиқат. Аммо жамият ва давлат ҳаётининг мураккаб категориялари, одамлар орасидаги ниҳоятда нозик ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий муносабатлар, айниқса, ишлаб чиқариш ёки муайян ихтисосликлар билан боғлиқ маънавий тамойиллар ҳақидаги билимларни шу ёшдаги болалар ўзлаштира олмаслиги ҳам аён-ку” [1. 235]. Бундан кўринадики, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ахлоқий қадриятлар давлат ва жамият учун муҳим саналади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламда сиёсий, ижтимоий,

иқтисодий, ахлоқий ва маънавий жабҳаларда ислоҳотларни авж олдириб юборган экан, бу ислоҳотлар негизини уч минг йиллик давлатчилик тарихимиз, маънавий меросимиз ва миллий менталитетимиз хусусиятларини асос қилиб олди ва уни оғишмай амалга ошира бошлади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир ахлоқ масалалари алоҳида ўртага ташланди. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ахлоқий қоидалари негизда ҳар бир ҳудуднинг урф-одатлари, анаъна ва қадриятлари, ёшларимизга буюк ўтмиш ҳақида тушунчалар беради. Бу ахлоқий қоидаларда катталарга ҳам ўрнак бўла оладиган одоб-ахлоқ, ибодат, ор-номус, дин ва диёнат каби фазилатлар азалдан халқимиз маънавий оламининг ажралмас бўлагига айланиб улгурган.

Ахборотлашган жамиятда ахлоққа эпистемологик томондан қаралганда, фалсафий характерда объектив мазмун-маънога эга бўлиб, у ҳақиқатнинг моҳиятини эътиқод, қадрият, миллийлик нуқтаи назаридан англашда ёрдам беради [2. 298]. Бу фаолиятда маънавий-ахлоқий жараёнлар тўғри анланса ва танланса, жамиятнинг эраси кўзланган аниқ эзгу мақсад орқали фаолиятга тадбиқ қилинсагина, субъектив моҳият касб этади.

НАТИЖАЛАР

Бугун жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган глобаллашув ҳар бир давлат, халқ, миллат, ёхуд ёш авлод маънавиятида янгича маъно-мазмун касб этмоқда. Жамият ривожидида «ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда» [3. 111]. Лекин мана шундай ютуқлар билан биргаликда глобаллашув айрим халқларнинг миллий ғояси, мафкураси, эътиқоди ва ўтмиш меросига ҳам маънавий таҳдид солаётганлигини унутмаслигимиз лозим. Айниқса, бундай глобаллашувга тайёр бўлмаган ёшларимизнинг онгу тафаккурида гуёки эстетик маданият кўриниши сифатида оилаларнинг ажралишига, қадриятларнинг топталишига олиб

келмоқда.

Шу боисдан Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлидаги Ҳаракатлар стратегиясини, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини кенг жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтириш, глобаллашув жараёнининг асл моҳият-мазмунини ёшлар эстетик маданиятидаги ролини аниқ ва равшан қилиб олиш жамиятимиз аъзоларига етказиб бериш долзарб вазифалардан бирига айланди.

Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидлардан халқни, хусусан ўсиб келаётган ёшларни асраш, уларнинг қалбига эзгулик ҳояларини сингдириш жамият ҳаётининг барча соҳаларида изчил амалга оширилмоқда. Таълим тизимининг барча буғинларида таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилмоқда. Бугунги кунда глобаллашувнинг ижтимоий ҳаётимиз билан боғлиқлиги хусусида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз фикрларини билдирар экан, “Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага

келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, менинг фикримча, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”[4. 29], - деб таъкидлайдилар.

Ёшлар жамиятда ўзларининг мустақкам ғоя ва қарашларини шакллантириш жараёнида глобаллашувнинг асл моҳиятига эътибор қаратишлари, турли оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган маълумотларнинг ишончлилиқ даражасига асосланишлари керак. Бунинг учун жамоатчилик фикрини тўғри англаб етиш, миллий ғоя билан боғлиқ фалсафий тафаккур юритиш муҳимдир. Биз маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнида маънавий таҳдидларнинг жамият ҳаётининг турли қирраларига, айниқса, ёшлар онгига сингиб боришидан огоҳ бўлишимиз даркор [5]. Жамиятда турли маънавий таҳдидларга доир фикрлар ранг-баранглигидаги қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб бермаслигимиз, ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга ёшларнинг онгли муносабатини шакллантиришимиз, холислик ва ҳаққоният тамойилларига таяниб иш юритиши лозим.

Ахборотлашган жамиятнинг шиддат билан ўзгариб бориши натижасида «XX асрда глобаллашув жараёнининг тезлашиши ва умумсайёравий цивилизациянинг шакллана бошлаши жаҳон мафкураларининг характерини ўзгартириб юборди. Уларнинг ўрнини босадиган қудратли мафкуранинг йўқлиги, геосиёсий мақсадларнинг ўзгаргани эса бу ғояларнинг салбий

таъсирини янада кучайтирди. Бундай шароитда ўз мақсадини аниқ белгилаб олган, эҳтиёж ва манфаатларини яхши англаб етган, ўз эътиқодига эга бўлган, бир сўз билан айтганда ўз миллий ғоясини шакллантирган миллатгина келажагини сақлаб қолади ва истиқболини белгалайди»[6. 27]. Шундай миллат сифатида шаклланган ўзбек халқи ўзининг асрлар оша яшаб келаётган миллий ғояси асосида ёшлар дунёқарашини илғор технологиялар билан бойитиш, турли таъсирлар негизида ўзликни англаш, миллий қадриятларни эъзозлаш ва эстетик маданиятни келажакка ўз ҳолича етказишга доимо тайёрдир.

Бугунги кунда энг нозик ва мураккаб бўлган дин соҳасида, аввало, дин маънавият ва маданиятнинг устунларидан бири эканлигини ёшлар дунёқарашига чуқур сингдиришимиз лозим. Бугунги кунда урф-одат ва анъаналаримизнинг ёшларни бирлаштирувчи хусусиятларидан тўлиқроқ фойдаланиш лозим [7]. Миллий анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабазликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш, ёшларни зарарли маънавий таҳдидлардан асрашимиз зарур.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт жараёнида миллий уйғониш даврини бошдан кечираётганлигига, маданий меросимиз, миллий урф-одат, қадриятларимизни тиклаётган бир пайтда дунёда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги зиддият кучайиб бораётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз. Ҳар қандай мафкура халқнинг маънавий руҳий эҳтиёжларини миллий анъаналари ва турмуш тарзини ҳисобга олган тақдирдагина яшовчан, таъсирчан бўлади. Шу ўринда глобаллашув жараёнида ёшларнинг янги эстетик маданиятни шакллантириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси миллий мафкура асосида бизнинг диққат марказимизда турибди.

Бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг натижаси сифатида ёшлар онгига табиат, давлат, жамият инсонга турли хавфлардан ҳоли бўлиб яшаш, насл қолдириш учунгина эмас, балки бошқалар билан бирлашиб, юксак дид ва фаросатга эга бўлиш, озод ва обод Ватан барпо этишга интилиш, ҳамкорлик қилиб, кўзланган мақсадларга эришиш учун кераклигини сингдиришимиз зарур.

МУҲОКАМА

Ахлоқий қадриятлар фуқаролик жамияти негизида ижтимоий-маънавий ислоҳотларнинг ахлоқий тасаввур ва тушунчалар негизида янги фалсафий тафаккур билан бойишига олиб келди. Чунки инсон тафаккури маънавий қадриятлар аккумулятори сифатида инсон руҳиятининг яхлит, бар бутун тарзда тараққий этишига асос бўлади. Шу тариқа маънавийлик ва маърифийликни бирлаштирувчи ахлоқий-эстетик маданият шаклланади ва ривож топади. Демак,

ахлоқий тарбия ҳам, эстетик маданиятнинг ҳам негизида инсоннинг маънавият ва маърифат билан нечоғлик яқинлигига ва уларни ўз онги ва шуурининг мулкига айлантирганига боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг ахлоқий кадриятлар билан узвий бирлиги шунда кўринадик, бу иккала омил бирлиги инсон қадрини юксак маънавият ва чинакам маърифат сари, маданий савия ва инсоний комилликка олиб боради. Шунинг учун ахлоқий тарбия бўлмаган жойда соҳлом турмуш юксалмагандай, аксинча, хунуқлик аломатлари куртак отганидай, маданиятсиз ахлоқий тарбия ҳам кемтик ва жозибасиз, нурсиз бўлиб қолиши мумкин. Барча ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий ислоҳотларимизнинг пировард натижаси бугунги авлодни эртанги кун учун, мамлакатимиз истиқболига жавобгар ва масъул қилиб тарбиялашдир.

Ана шундагина янги Ўзбекистон ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-қудрати, қадди-қомати, баркамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган эл яшайдиган мамлакатга айланади. Бу деган сўз ахлоқий ва эстетик маданият муштараклиги баркамол авлод тарбиясининг мезони демакдир. Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган фуқаролик жамиятининг ислоҳотларида ақлий, эстетик ва меҳнат тарбияси бирлигидан кўзланган асосий мақсад ўз даври ва замони, ижтимоий эҳтиёждан келиб чиқадиган ва шунга жавоб берадиган, янгича фикрловчи ёшларни тарбиялаб, вояга етказишдир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув жараёнида ахлоқий кадриятлар фуқароларни турли маънавий таҳдидлардан асрашда миллий ғоямиздан оқилона фойдаланишимиз, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар бир жамият аъзоси учун унумли ва фойдали бўлишини таъминлашимизга хизмат қилади. Жамият тараққиётида инсон учун ахлоқий кадриятларнинг ижтимоий заминини мустаҳкамласак, эртанги кунимиз янада фаровон, ёшларимиз бахтли давр фарзандлари бўлиб вояга етади. Улар ўртасида содир бўлаётган маънавий қиёфалар доимо янгича дунёқараш ва мафкуравий жараёнларни инсоният истиқболи сари чорлашга қаратилиши кўзда тутилади ва ёшлар маънавий ҳаётидаги долзарб масалаларни ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилади.

Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ахлоқий кадриятлар фаолиятда қуйидаги хулосаларга келинди: биринчидан, фуқаролик жамиятида ахлоқий кадриятларни миллийлик билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш, иккинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини таълим-тарбия соҳаси билан уйғунлаштириш, учинчидан, ахлоқий кадриятларни фуқароларнинг фалсафий дунёқарашига сингдириш асосида

мамлакатимиз келажакда демократик ислохотлар билан боғлаш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: O‘zbekiston, 2021. – 464 б.
2. Юлдашев Ф.А. Ахборотлашган жамият шароитида инсон эҳтиёж ва манфаатларини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари // Research Focus International Scientific Journal. Published October 13, 2022. –Р. 298.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008, -176 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд –Т.: Ўзбекистон, 2018. - 592.
5. Gaibullaev Otabek Muhammadievich. Development processes of language and philosophical views in Central Asia. BIO Web of Conferences 65, 10023 (2023). <https://doi.org/10.1051/bioconf/20236510023>
6. Сафоева С. Глобаллашув жараёнининг ижтимоий ҳаёт соҳаларига таъсири. // Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий масалалари. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2006, 27-бет.
7. G‘aybullaev, O. M. (2017). Some aspects and historical factors of integration processes in sphere of globalization of the ecological policy. *Theoretical & Applied Science*, (4), 83-86.
8. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O‘zbekiston: inson qadri ulug‘langan yurt. – Tashkent: “Ilm-Ziyo-Zakovat” MChJ. - 209.